Ўзбек-француз Бактрия гурухининг Ўзбекистонда археологик тадкикот ишларини бошлаганига 2014 йилда 21 йил тўлади. Бу хакда, Ўзбекистон Археология институти катта илмий ходими Тўхташ Аннаевга асосланиб, «Халк сўзи» хабар бермокда.

Шу муносабат билан 2014 йилнинг 16-17 сентябрь кунлари Ўзбекистон ва Франциянинг катор илмий муассасалари хамда университетлари хамкорлигида Термиз археология музейида «Бактрия — Тохаристон археологияси ва тарихига оид янги тадкикотлар» мавзуида халкаро илмий конференция ўтказилади.

«Сурхон вохасида мазкур анжуманнинг ташкил этилиши халкимизнинг бой ва ранг-баранг меросини ўрганиш, асраш, таргиб килиш хамда ёш археолог-тарихчи мутахассислар тайёрлашда ўзига хос мактаб бўлиб хизмат килиши, шубхасиз», – дейди Тўхташ Аннаев.

Аввалрок, франциялик археологлар Сурхондарё вилоятидаги катор объектларда, хусусан, эски Термизнинг калъа ва ундаги мудофаа истехкомларида тадкикот олиб бораётгани хакида хабар берилган эди.